

ИЖТИМОИЙ ЖИХАТДАН ЧЕКЛАВИ БЎЛГАН ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИНГ ЎЗИГА ХОС ҚОНУН-ҚОИДАЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

Худайкулов Хол Жумаевич. Мирзо Улуғбек номиданги ЎзМУ “Педагогик таълим” кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори. Халқаро педагогик таълим фанлар академиясининг академиги. xol.xudayqulov.51@mail.ru. Тел: 90-128-47-10.,.

Аннотация: Ушбу мақолада таълимда ногирон, жисмоний ва ижтимоий жиҳатдан чекланган ўқувчи-ёшлар билан ишлашнинг ўзига хос қонун-қоидалари ва таъмойиларига алоҳида эътибор бериб, унда мактаб биносига киришда (зинапоялар аравачада юришга мослаштирилмаганлиги сабабли) ноқулайликлар кўзга ташланади. Бундай ҳолатда инклюзив таълим хизматлари умумий таълим тизимининг интеграция қилинган ва инклюзив таълим тизимидги вазифалар маҳаллий таълим органларига жавобгарлик имкониятлар маҳаллий шароитларга мослаштирилиши лозим. Инклюзив таълимнинг вазифалари ва тамойиллари ногирон болаларга ўз ота-оналари билан бирга бўлиш, уларга худди тенгдошлари билан бирга бўлиш каби ўзларига яқин бўлган мактабларда таълим олиш имконини беради. Бу уларнинг шахсий сифатларининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: Ногирон, жисмоний, ижтимоий жиҳатдан чекланган, зинапоялар аравачада юриш, етаклаб олиб чиқиш, ўз тенгдошлар билан бирга бўлиш, тенгдошлар муҳитига мослашиш.

СПЕЦИАЛЬНЫЕ ЗАКОНЫ, ПРАВИЛА И ПРИНЦИПЫ ИНКЛЮЗИВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ С УЧАЩИМИСЯ С СОЦИАЛЬНЫМИ ОГРАНИЧЕНИЯМИ.

Аннотация: В данной статье, уделяя особое внимание конкретным правилам и принципам работы с инвалидами, физически и социально ограниченными учащимися, освещаются неудобства при входе в здание школы (так как лестница не приспособлена для передвижения на инвалидных колясках). В этом случае услуги инклюзивного образования интегрируются в систему общего образования, а задачи системы инклюзивного образования должны быть адаптированы к местным условиям. Задачи и принципы инклюзивного образования позволяют детям с ограниченными возможностями находиться вместе со своими родителями, получать образование в близких к ним школах так же, как они со своими сверстниками. Это важно в формировании их личностных качеств.

Ключевые слова: Инвалид, физический, социально ограниченный, ходьба по лестнице в инвалидной коляске, ведущий, пребывание со сверстниками. Адаптация к среде сверстников.

SPECIFIC LAWS, RULES AND PRINCIPLES OF INCLUSIVE EDUCATION WITH STUDENTS WITH SOCIAL DISABILITIES.

Abstract: This article, paying special attention to specific rules and principles of working with disabled, physically and socially disabled students, highlights the inconveniences when entering the school building (since the stairs are not suitable for wheelchairs). In this case, inclusive education services are integrated into the general education system, and the objectives of the inclusive education system must be adapted to local conditions. The objectives and principles of inclusive education allow children with disabilities to be with their parents and receive education in schools close to them in the same way as they do with their peers. This is important in the formation of their personal qualities.

Key words: Disabled person, physical, socially disabled, walking up stairs in a wheelchair, leading, staying with peers. Adaptation to the peer environment.

Мавзунинг **кириш қисмида** ижтимоий жиҳатдан чеклави бўлган ўқувчиларда таълимда ногирони бўлган, жисмоний ва ижтимоий жиҳатдан чекланган ўқувчи-ёшлар билан ишлашнинг ўзига хос қонун-қоидалари ва таъмойиларига алоҳида эътибор берилиб маданий ва ижтимоий жиҳатдан четлаштирилган гуруҳлар учун бир хил таълим имкониятларини яратишга қаратилган ҳолат ҳақида сўз юритилади. Сўнгги пайтларда алоҳида таълимга муҳтож болаларни ўқитиш ва тарбиялашнинг тобора кўпроқ инновацион усуллари таклиф қилинмоқда. Таълим тизимини жорий этиш ҳар доим маълум бир қонун қоидаларга, тамойилларга асосланишни талаб этади.

Бу борада 1990 йилдан буён махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим муассасалари тизимида ўқитиш борасида бир қанча жаҳон миқёсида декларациялар ва қарорлар қабул қилинди. Уларни жаҳоннинг кўплаб давлатлари эътироф этдилар. Аммо бугунги кунга қадар уларни ҳаётга жорий қилиш борасида кўплаб муаммолар мавжуд. Баъзи давлатларда эса умумий таълим борасида қонун ёки қарорлар қабул қилинганда ногирон болаларнинг таълим масаласи унга киритилмайди. Аммо инклюзив таълимни тан олиш фақатгина қонун чиқариш билангина боғлиқ бўлмайди. Дискриминатция (одамларни

ажратиш) ва ижтимоий нотўғри фикрлашга қарши курашиш энг муҳим нарсадир. Яъни инклюзив таълимни эътироф этган ҳолда, аҳоли ўртасида тарғибат-ташвиқот ишларини олиб бориш энг биринчи галдаги масаладир.

Инклюзив таълимнинг барча учун очик бўлиши тамойили. Ўтган йигирма йил давомида махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим муассасалари тизимида ўқитиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Аммо инклюзив таълими тизимини жорий қилиш асосан шаҳарлар миқёсида бўлиб қишлоқлардаги ҳудудларда ҳали-ҳамон махсус эҳтиёжли болалар таълимдан четда қолиб кетмоқда ёки қишлоқлардаги ота-оналар ногирон фарзандини шаҳарлардаги махсус муассасаларга қатнашларини таъминлаш учун қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Шунинг учун ҳам махсус эҳтиёжли болаларни инклюзив таълимга жалб этиш барча ҳудудларда барча махсус эҳтиёжли болаларни қамраб олган бўлиши таъминланиши лозим.

Боғланишнинг мавжуд бўлиши тамойили. “Боғланиш”-бу сўзнинг заминида-оммавий биноларнинг сифати, айниқса ногирон болалар учун мактабларга киришнинг осон бўлиши кабилар ётади. Бола мактаб биносига (зинапоаялар аравачада юришга мослаштирилмаганлиги сабабли) кира олмаганми ёки мактаб хожатхонаси аравачада ҳаракатланувчиларга мослаштирилмаганлиги учун оддий мактабдан чиқариб ташламаслиги керак. Бу каби қулайликларни яратиш унчалик катта маблағ талаб қилмайди. Янги мактаб биноси ногирон болаларнинг эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда режалаштирилган пайтдан бошлаб қурилиши керак. Алатта ногирон болалар учун яхши бўлган қулайликлар нормал ривожланишдаги болалар учун ҳеч бир муаммо келтириб чиқармайди. Жисмонан боғланишларни яратиш инклюзив таълимнинг асосий муаммоларини ҳал этишга хизмат қилади.

Марказлаштирилмаган бўлиши тамойили.

Бу тамоилнинг мазмуни қуйидаги иккита аспект ёрдамида ифодаланади:

а) Инаклюзив таълим хизматлари умумий таълим тизимининг интеграсия қилинган қисми бўлиши керак.

б) Инклюзив таълим тизимидги вазифалар маҳаллий таълим органларига жақвабгарлик ва бошқарувни юклаш учун марказлашмаган ҳолда олиб борилиши керак ва имкониятлар маҳаллий шароитларга мослаштирилиши лозим.

Оптимал интегратсияга эришиш учун марказлаштирилмаган бўлиш муҳимдир. Бу айниқса қишлоқ шароитларида айтиш мумкин бўлади. Инклюзив таълимнинг вазифалари ногирон болаларга ўз ота-оналари билан бирга бўлиш, уларга худди тенгдошлари каби ўзларига яқин бўлган мактабларда таълим олиш имконини беради. Бу уларнинг шахсий сифатларининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Ногирон боланинг нормал ривожланишига ҳалал бериш, ногиронликдан ҳам оғирроқ ҳолатларга олиб келиши мумкин.

Инклюзив таълимда комплекс ёндашиши тамойили. Ногирон болаларга уларга ногирон деб фақатгина нуқсон жиҳатдан ёндашиши эмас, балки бу болаларга ҳар томонлама ёндашиш лозим. Бу эса махус эҳтиёжли болалар учун таълим масаласини режалаштираётган унинг бутун ҳаёти давомида юзага келиши мумкин бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда тузишни талаб этади. Бундан ташқари инклюзив таълимда ногирон боладаги мавжуд нуқсонларни бартараф этиш, коррекциялаш, компенсация қилиш билан бир қаторда билим кўникмаларга эга қилиш, касб ҳунарга ўргатиш ишларини параллел равишда олиб бориш талаб этилади. Бу тамойилнинг моҳиятида махсус эҳтиёжли болаларга илк ёш даврида эрта ёндашиш ҳам ётади. Махсус эҳтиёжли болалар таълими бошланғич ва ўрта-махсус таълимни олишлари билан якунланмаслиги керак. Ногирон болаларнинг касб-ҳунар таълими ва олий таълими ҳам амалга оширилиши таалаб этади. Чунки инклюзив таълим тизимининг вазифаларидан бири махсус эҳтиёжли болаларни ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг барча ҳуқуқларини таъминлашдан иборатдир.

Инклюзив таълимда мослашувчанлик тамойили. Бу тамойилнинг мазмуни шундаки, ўқув режа, дастур ва дарсликлар махсус эҳтиёжли болаларнинг имкониятларига мослашувчан бўлиши керак. Боланинг махсус таълимга бўлган эҳтиёжлари ҳар қандай интеграция фаолиятининг асосини ташкил этиши керак. Шахс эҳтиёжларининг даражалари ва турлари ҳар хил бўлганлиги туфайли бундай фаолиятлар мослашувчан, ўзгарувчан бўлиши талаб этилади. Махсус эҳтиёжли болалар инклюзив тарзда ўқитилаётган синфларда юқори малакали ўқитувчиларнинг дарс бериши талаб этилади. Бундан ташқари инклюзив синф ўқитувчиси дефектология соҳаси бўйича ҳам малака оширган бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, барча таълим жараёнларида олиб бориладиган ўзаро муносабатлар ва инклюзив тарзда ўқитилаётган

жараёнлар уларга мос бўлиши ва барча тенгдошлар орасида бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳолат уларни жамоа орасида бўлиб ижтимоийлашиш имконини беради. Боланинг махсус таълимга бўлган эҳтиёжлари ҳар қандай интеграция фаолиятининг асосини ташкил этиши керак. Шахс эҳтиёжларининг даражалари ва турлари ҳар хил бўлганлиги туфайли бундай фаолиятлар мослашувчан, ўзгарувчан бўлиши талаб этилади. Махсус эҳтиёжли болалар инклюзив тарзда ўқитилаётган синфларда юқори малакали ўқитувчиларнинг дарс бериши талаб этилади. Бундан ташқари инклюзив синф ўқитувчиси дефектология соҳаси бўйича ҳам малака оширган бўлиши керак. Шунинг учун барча инклюзив таълим жамият талабларига мос бўлиш бугунги кун талабидир.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Аинсow, М., Милес, С. Инклюзив таълим тизимларини ривожлантириш: Глобал нуқтаи назар. -Т.:Манчестер Университети. 2008 й.
- 2.Унессо. Инклюзивлик бўйича кўрсатмалар: Барчага таълим олиш имкониятини таъминлаш. Париж:. Унессо. (2005)
- 3.Флориан, Л., Линклатер, Х. Инклюзивлик учун ўқитувчиларни тайёрлаш: Тадқиқот нуқтаи назари. -Т.:Таълим тадқиқотлари, № 52(3), 2010. 267-284.
- 4.Боотх, Т., Аинсow, М. Инклюзивлик индекс: Мактабларда ўқиш ва иштирокни ривожлантириш. Бристол: Инклюзив Таълимни Ўрганиш Маркази. 2011 й.
- 5.Шарма, У., Сими, Ж. Инклюзив таълим: Глобал нуқтаи назар. Халқаро Инклюзив Таълим Журнали, №20 (1), 2016 й. 1-15-бетлар.
- 6.Дъалессо, С. Инклюзив таълимнинг аҳамияти. Халқаро Таълим ва Тадқиқот Журнали, №2(8), 2014 й. 267-274.
7. Фаррелл, П. Ногиронлиги бўлган талабалар учун инклюзив таълим: Глобал нуқтаи назар. Халқаро Инклюзив Таълим Журнали, №14(6), 2010 й. 545-556.
8. Роусе, М. Инклюзив таълим: Глобал агенда. Таълим Шарҳи, №60(2), 2008 й. 135-148-бетлар.
9. Грохотова Ж.А. Игра "Стартинейджеры" на тему "Здоровый образ жизни». //Педсовет. №3-2011 г. - С. 5-6
- 10.Иванов А.В. Игры и п раздники в образовательной среде школы: методическое пособие. -М.: ЦГЛ, 2005 г. - 160 с.
11. Классные часы 6 класс. / Л.А. Егорова. - М.: ВАКО, 2008г. - 208 с.

- 12.Худайкулова Ф.Х.Родной язык как учебный предмет в общеобразовательной системе обучения- Экономика и социум, -Т.:2020 г
13. Худайкулов Х.Ж. Педагогика, Учебник, -Т.: Инновация-Зиё. 2022 г.С-342.
14. Худайкулов Х.Ж. Професональный педагогика.-Т.: Навруз, 2023 г.С-275.